**"ТАСДИҚЛАЙМАН"**
**Бекобод шахар Ободонлаштриш харид**
**Комиссиянинг раиси**
**____________А.Атаниязов**
**"__25__" ___11____ 2022 йил**

# Бекобод шахарида Яшил макон барпо этиш бўйича

## ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ХУЖЖАТИ

- **Бекобод шахар Ободонлаштриш бошқармаси Бекобод шахрида яшил макон барпо этиш юзасидан энг яхши таклифларни танлаш эълон килади.**

**Товар номи:** Манзарали кўчатлар

**Танлашни утказиш шакли:** Электрон шаклда.

**Шартноманинг бошлангич бахоси: 100 000 000** (Юз миллион) сум

**Тайлов хужжатларини кабул киладиган хам да танлов утказиладиган манзил: https://etender.uzex.uz/**

**Иштирокчилар куйидаги мезоиларга амал килгап холда таиловда иштирок этишлари мумкин:**

-шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг хамда бошка ресурсларнинг мавжудлиги;

- шартнома тузиш учун конуний хукукка эгалик;

-соликлар ва бошка мажбурий туловларни тулаш буйича карздорликнинг мавжуд эмаслиги;

- узига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;

- инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида кайд этилмаганлиги.

**Танлов иштирокчиларига танлаш буйича харид килиш коидаларига доир тушуитириш юзасидан иштирокчилар билан алокада буладиган шахс:Обектларни сақлаш бўлими бошлиги** Алматов Сирожиддин, тел.90 091-87-90.

**Таклифларни такдим этиш муддати бошланадиган ва тугайдиган сана:**

Махсус ахборот порталига лот жойлаштирилган кундан бошлаб 7 календар куни давомийлигида белгиланган вактга кадар.

**Буюртмачииинг юридик манзили:** Тошкент вилоят, Бекобод шахар, Мемор кучаси 254.

**Танлов хужжатларини расмийлаштириш талаби:**

- танлов иштирокчиси факат битта таклиф беришга хақли;

-танлов хужжатларида тузатишларга (матн, суз ва ракамларни буяш) йул куйилмайди. Агарда хужжатларда тузатишлар аникланса ушбу танлов хужжати комиссия томонидан четлаштирилади;

- танлаш иштирокчиси такдим этилаётган ахборот ва хужжатларнинг хакикийлиги ва тугрилиги учун жавобгар булади.

**Танловга тавдим этиладиган хужжатлар:**

- тижорат таклифи

- танлаш иштирокчилари томонидан коррупция куринишларига йул куймаслик буйича ариза.

-соликдар ва бошка мажбурий туловларни тулаш буйича карздорликнинг мавжуд эмаслиги тугрисида маълумотнома;

- узига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги хасида маълумотнома;
-инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида кайд этилмаганлиги тугрисида маълумотнома;
- ташкилотнинг руйхатга олинганлик гувохнома нусхаси (ташкилот рахбари томонидан мухр ва имзо билан тасдикланган булиши лозим);

## ТЕХНИК ТОПШИРИК

### 1. Харид қилинаётган товарларнинг хусусиятлари ва кулами.

1.1. Кўчатларни харид қилиш ва уларни белгиланган жойга экиш профилактика характеридаги ташкилий-ижроий тадбирлар мажмуасидир.

1.2. Кучатларнинг ички ва ташки бирликлардан ташкил топган алохида “дастур” дир. Кучатларни харид қилиш ва уларни экиш учун кучатлар руйхати иловада кучатлар хакида маълумот) келтирилган.

1.3. “Пудратчи” Кўчатларни етказиб беришни куйидаги тартибда амалга оширади:

1.3.1. Кучатларни етказиб беришда “Пудратчи” томонидан Шартнома амал килиш муддати давомида камида бир хафтада 3 маротаба иловада курсатилган руйхатга мувофик амалга оширилади. Агар кўчатларни етказиб бериш вактида “Пудратчи” шикастланган ёки талаб даражасида булмаган кучатларни аниқласа, Пудратчи бундай кучатларнинг хар бир бирлиги учун Буюртмачи билан биргаликда “Нуксон далолатномаси”ни тузади. Мазкур далолатнома қўшимча кўчатларни олиш учун асос булади.

1.3.2. “Нуксон далолатномаси”да курсатилган яроксиз холга келган, асосий кисмлари (илдизи, япроқлари,шох шаббалари ва б.к.) томонлар келишувига хамда алохида шартномага асосан амалга оширилади.

2.1. Кучатларни етказиб бериш учун ташкилотнинг рухсат этиладиган сертификати ва юкори малакали богбоннинг мавжудлиги.

2.2. “Пудратчи”, ташки ишларни (кучатларни турларга ажратиш ва номлаш) амалга ошириш учун уз хисобидаги техника билан етказиб беришни амалга ошириш.

2.3. Кучатларни етказиб беришда ўз ишчи кучи ва техникаси “Пудратчи”нинг мулки булиши шарт.

2.4. Зарур булганда, хавфсиз мехнат шароитларини таъминлаш буйича кушимча чора-тадбирларни ишлаб чикиш ва уларни иш жараёнида тадбик килиш.

2.5. “Пудратчи” иш вактини ташкил этиш ва назорат килиш, шунингдек мехнат мухофазаси, ёнгин хавфсизлиги ва техника хавфсизлиги коидаларини тулик риоя этишни таъминлаш.

2.6. “Пудратчи” товарларни етказиб беришда уз ходимларини иш куроллари, шахсий химоя воситалари, иш кийимлари, махсус жихозлар ва сарфланувчи материаллар билаи таъминлаш.

### 3. Кўчатларни етказиб бериш ишлари

3.1. Кўчатларни турларга ажратиш хам уларни қайси турга мансублиги хақида маълумот бериш;
3.2. Кўчатларни кай йўсинда парваришлаш хақида маслахатлар бериш.
3.3. Кўчатларни сугориш тизими хакида “Буюртмачи” томонидан бириктрилган ходим билан ўртоқлашиш .

3.4. Кўчатларни илдизини тупроққа ўраган холда етказиш.
3.5. Уларни тўгри экилиши юзасидан маслахатлар бериш
3.6. Сифатсиз ва нимжон кучатларни текшириш ва заруриятга кура алмаштириш.
3.7. Кўчатларни экилишида ва уларни келажакда усишини инобатга олган холда улардаги оралиқ масофаларни тугри йўлга қўйилиши юзасидан маслахатларни бериш
3.8. Хар бир кўчат турини бўйига ва энига ёйилиб ўсишида неча метргача ташкил этилиши юзасидан қўшимча малумотларни тақдим этиш.

## 4. Иш жойи ва вакти

4.1. "Буюртмачи"га кўчатларни етказиб бериш Тошкент вилояти Бекобод шахар Ободонлаштириш бошқармаси биносида амалга оширилади.

4.2. Кучатларни етказиб бериш муддати - Шартнома тузилган кундан бошлаб, 2022 йил 31 декабрь кунига Кадар. Барча курсатилган кўчатларни етказиб бериш ишлари хар хафтада камида уч маротаба амалга оширилади.

4.3. Кучатларни етказиб бериш "Буюртмачи"нинг иш вакти давомида амалга оширилади. Иш вакти дам олиш ва байрам кунларидан ташкари, соат 8:00 дан 17:00 гача (6/7). Кўчатлар тўлиқ экиб бўлгунга қадар етказиб бериш ишлари олиб борилади. Объектга кириш санаси ва вакти Буюртмачи билан олдиндан келишиб олинади.
4.4. Пудратчи Буюртмачидан кўчатларни етказиб бериш тўгрисидаги хабарнома олинган пайтдан бошлаб куннинг исталган вактида, шу жумладан дам олиш кунлари, таътил кунлари, байрам кунлари хамда куннинг коронгу пайтларидан катий назар 2 (икки) соатдан куп булмаган вактда кўчатларни етказиб келишлари шарт.

## 5. Бошка шартлар

5.1. Иш, байрам, дам олиш ва таътил кунларида, шунингдек, куннинг коронгу вактларида кўчатларни етказиб бериш учун "Пудратчи"нинг "Ишонч телефони" мавжудлигини таъминланиши шарт.

5.2. "Пудратчи" ишонч телефонлари 24/7 давомида ишлашини хамда камида бир киши ишонч телефонига хизмат курсатишини таъминлаши шарт.

5.3. Пудратчининг ишонч телефонлари руйхатини Буюртмачига шартнома тузилгандан сунг берилишини таъминлаш хамда телефон ракамларидаги узгаришлар тугрисида маълумогни бир иш куни давомида Буюртмачининг вакилларига етказилиши таъминлаш.

5.4. Буюртмачининг ваколатли вакилидан телефон оркали ариза (буюртма) келиб тушганда, Пудратчининг вакили объектга кечиктирмасдан кўчатларни етказиб келишини таъминлаш.
5.5. Кўчатларни етказиб бериш Узбекистан Республикаси К,онун хужжатлари ва бошка норматив-хукукий хужжатлар талабларига жавоб бериши керак.
5.6. . Агар "Буюртмачи" томонидан талаб этилаётган кучатга "Пудратчи" етказиб бериш жараёнида зарар етса, "Пудрачи" уз хисобидан янгисига алмаштиради.
5.7. Етказиб берилган кўчатлар натижасини кабул килиш, етказилган кўчатлар учун кабул килиш далолатномасини имзолаш оркали амалга оширилади. Пудратчи буюртмачига етказиб берилган кўчатлар учун кабул килинганлиги тугрисидаги далолатномани ва хисоб-фактурани такдим этади. Агар кўчатларни етказиб бериш тўгри бажарилган булса ва Буюртмачида хеч кандай шикоят булмаса, етказилган кўчатларни кабул килиш тугрисидаги далолатнома имзоланади.

*Илова*

**Бекобод шахар Ободонлаштириш бошқармаси**
**учун талаб этиладиган кўчатлар хақида маълумот**

| Т/Р | Номи | микдори | нархи | суммаси |
|---|---|---|---|---|
| 1 | **Тут** | 400 | 4800 | 1 920 000 |
| 2 | **Узум** | 400 | 5000 | 2 000 000 |
| 3 | **Терак** | 750 | 1000 | 750 000 |
| 4 | **Анор** | 385 | 8000 | 3 080 000 |
| 5 | **Бехи** | 425 | 8000 | 3 400 000 |
| 6 | **Ёнгок** | 375 | 10000 | 3 750 000 |
| 7 | **Кайрагоч** | 250 | 8000 | 2 000 000 |
| 8 | **Ясин** | 500 | 12000 | 6 000 000 |
| 9 | **Мажавейник** | 1867 | 13000 | 24 271 000 |
| 10 | **Шарқ туяси** | 425 | 11000 | 4 675 000 |
| 11 | **Туя компакт** | 500 | 19000 | 9 500 000 |
| 12 | **Павлония** | 500 | 12800 | 6 400 000 |
| 13 | **Виола цветқ** | 1668 | 3000 | 5 004 000 |
| 14 | **Индейский сирен** | 450 | 10000 | 4 500 000 |
| 15 | **Дуп** | 500 | 12000 | 6 000 000 |
| 16 | **Япон сапораси** | 400 | 10000 | 4 000 000 |
| 17 | **Каталпа** | 425 | 13000 | 5 525 000 |
| 18 | **Сосна элдарский** | 425 | 17000 | 7 225 000 |
| **Жами:** | | | | **100 000 000** |